*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 230 (6834).

18 НОЯБРЬ ПАЙШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

## МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Мухторхон Аъзамов етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари 70 гектар пахта майдонидан 50 центнердан ҳосил кўтардилар. Улар меҳнат қилаётган Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози ҳам тайёрлов пунктларига 8900 тонна пахта етказиб бериб, йиллик планни бажарди. Мавжуд 2800 гектар майдондан 32 центнердан ҳосил кўтарилди. 6500 тонна пахта пўлат этаклардан тўкилди. 50 терим агрегатининг ҳар бири билан ўртача 120 тоннадан ҳосил йиғиб олинди. Механизаторлардан Ў. Абдураҳмонов, Ҳ. Абдураҳмонов, Б. Қосимовлар «зангори кема» бункерларидан 175—180 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар. К. Қўчқоров, М. Бобоев, А. Ўроқов ўртоқлар бошчилик қилаётган бўлимларда ҳосилдорлик совхознинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори бўлди.

Р. БАГИРОВ.

## ҲАМКАСБЛАР, ҲОРМАНГИЗ

ОБЛАСТИМИЗДА социалистик мажбурият бажарилган куни меҳнатимиз самарасидан беҳад қувонган эдик. Бугун яна шодлигимизга шодликлар уланиб кетди. Республикамизда улкан хирмон уйилиб, юксак марра эгаллангавлиги тўғрисидаги хуш хабар ҳаммамизни ҳам тўлқинлантириб юборди. Қатор областлар, районлар, колхоз ва совхозлар зафар қучдилар. Кўзлаган маррани эгаллаб, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлди. Эл қатори бизнинг колхоз пахтакорлари ниятларига етиб, юксак хирмонга баҳоли-қудрат ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бизнинг колхоз пахтакорлари 1003 гектар ерга чигит қадаб, гектаридан пландаги 31,13 центнер ўрнига 41,5 центнердан ҳосил кўтардилар, 4165 тонналик хирмон барпо этилди. Бу планда кўзда тутилганидан 1128 тонна зиёддир. Шундай қилиб, ўтган йилга нисбатан колхозимизда ҳосилдорлик гектар бошига 3,34 центнер ошди.

Ўтган йили колхозимизда машина билан 1107 тонна пахта терилган эди. Бу йил эса етиштирилган ҳосилнинг 3440 тоннаси машиналар билан, 725 тоннаси эса қўл кучи билан йиғиб олинди. Терим даврида 23 та машина ишлади. Ҳар бири машина бункеридан ўрта ҳисобда салкам 150 тоннадан пахта тўкилди. Пейсин Боймирзаев, Саидвали Турсунбоев, Мамах Сулаймонов, Эргаш Амиров сингари моҳир механик-ҳайдовчиларимиз, айниқса, намунали ишладилар.

Бу йилги шароитда етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш осон бўлмади. Эрта бошланган ёгингарчилик туфайли катта қийинчиликлар юз берди. Лекин аҳдига вафодор пахтакорларимиз саросимага тушмадилар. Ишни сира бўшаштирмай давом эттиравердилар. Шундай қийинчиликларни енгган бир қатор бригада аъзолари ҳосилдорликни анча оширишга эришдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хан Петр, кекса пахтакор Наби Ўринбоев бошлиқ бригада аъзолари гектаридан салкам 50 центнердан ҳосил олишди. Пўлат Мамақов, Юн Николай, Шарофат Абдуллаева бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 41—46 центнерга етди.

Колхозимиз меҳнаткашлари қолган ҳосилни териб олиш билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик ишларини ҳам қизитиб юбордилар. Биз кузда барча экинлардан бўшаган 1900 гектар ерни шудгор қилишимиз керак. Шудгордан олдин ҳар гектар ерга 500—600 килограммдан суперфосфат солинаяпти. Хўжалигимизда ерга гўнг алмашлаб солиш тартиби амалга оширилаяпти. Чунки ҳамма ерга оз-оздан гўнг солишнинг нафи кам бўлади. Шунинг учун биз бир қисм кучсиз ерларнинг гектарига 20—25 тоннадан алмашлаб гўнг солишяпмиз. Бу йил шу тартибда 250 гектар ерга маҳаллий ўғит солинаяпти. Ҳозиргача 1100 гектар ер икки ярусли плуг билан 35—40 сантиметр чуқурликда шудгор қилиб қўйилди.

Хурсанали Умаралиев, Николай Пантиев, Вали Салимбоев, Қўшбой Ҳайдаралиев, Йўлдош Хоринов сингари моҳир механизаторларимиз ерларни сифатли шудгор қилиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Колхозимизнинг бошқа тармоқлари бўйича ҳам планлар ошиғи билан адо этилди. 650 гектар майдондаги канопнинг ҳар гектаридан 190 центнердан ҳосил олинди. Ҳозиргача сут соғиб олиш плани 103, давлатга сут сотиш плани 107 процент бажарилди.

Давлатга 81 тонна ўрнига 85 тонна гўшт сотилди. Тухум топшириш плани 148,7 процент адо этилди. Чорвадорларимиз 320 ўрнига 400 та бузоқ олиб, бу соҳада юқори натижага эришдилар.

Биз ўнинчи беш йиллик тўнғич йилида республикамиз пахтакорлари эришган улкан ғалаба билан ҳамкасбларимизни чин кўнгилдан табриклаймиз.

Иброҳим ЮНУСОВ,
Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз раиси.



Янгийўл пахта тозалаш заводи меҳнат аҳли йиллик планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 3 миллион 650 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олди. Суратларда: (юқоридан) тозалаш цехининг пешқадам ишчиси Валентина Брежнева ва тозалаш цехининг участкаларидан бирини кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

## ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

● **ЯНГИЙЎЛ.** Пахтакорларга Тошкент ҳисобот-бухгалтерия техникумининг студентлари яқиндан ёрдам бердилар. Муҳаббат Мирзаева, Мукаррам Ўрозова, Рамазон Холов, Узоқ Шаймуродов каби студентлар кундалик пахта териш нормасини 1,5—2 баробар ошириб бажардилар. Шўралисой участкасининг пахтакорлари техникум студентларидан беҳад мамнун бўлмоқдалар.

Р. ОМОНОВ,
Х. Турсунқулов номли колхоз.

● **ОҚҚЎРҒОН.** Алисултон Фоиқов етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари 85 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил кўтардилар. Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда механизаторлардан Қўшали Исмоилов, Камол Мамадалиев, кўпминг килограммчилардан Гулсанам Муродова, Норҳол Ражабовалар алоҳида ўрнак кўрсатиб меҳнат қилдилар. Ҳозир бригада пахтакорлари далаларни ҳосилдан тозаламоқдалар.

А. АБДУСАМАТОВ,
Навоий номли колхоз.

● **БЎКА.** Шарифжон Валижонов бошчилик қилаётган бригада заршунослари 75 гектар пахта майдонидан 48 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Бу колхоз бўйича кўтарилган ҳосилдан гектар бошига 12 центнердан кўп демакдир. Ҳозир колхоз далалари ҳосилдан тозаланиб, шудгорланмоқда.

З. ХАЛИМОВ
Ҳамза номли колхоз.

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ И. БРОЗ ТИТО БИЛАН УЧРАШДИ

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито 16 ноябрь тушдан кейин Белград яқинидаги Добановци резиденциясида бўлиб, дўстона суҳбатлашдилар. Суҳбат самимий вазиятда, одатдагидек очиқ кўнгиллилик ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

КПСС ва ЮКС раҳбарлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Югославия Коммунистлар Союзи ўртасида муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантириш ва кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Ҳар иккала партия ўртасида ҳамкорликнинг кенгайтирилиши Совет Иттифоқи ва Югославия халқларининг қардошларча дўстлигини янада кучайтириш учун мустаҳкам негиз бўлади, деб якдил фикр билдирилди.

Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито ўртоқлар суҳбат давомида халқаро муносабатларнинг баъзи муҳим проблемалари юзасидан фикрлашиб олишни давом эттирдилар. Улар КПСС билан ЮКС Европа коммунистик ва ишчи партиялари Берлин конференциясининг қарорлари руҳига амал қилиб, тинчлик, халқлар хавфсизлиги ва социал тараққиёт учун курашда коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга кўмаклашишга интилаётганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Суҳбат тамом бўлгандан кейин кечки зиёфат берилди. Зиёфатда И. Броз Тито ва Л. И. Брежнев ўртоқлар билан бирга музокараларда қатнашаётган совет ва югославиялик ўртоқлар ҳам ҳозир бўлдилар.

Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито ўртоқлар кечқурун Белградга қайтиб келдилар.

(ТАСС).

## СОВЕТ-ЮГОСЛАВИЯ АХБОРОТИ ИМЗОЛАНДИ

БЕЛГРАД, 17 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Совет-Югославия музокаралари тугади.

Оқ саройда Совет-Югославия ахбороти имзоланди.

Ахборотни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ҳамда ЮСФР президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг Раиси И. Броз Тито имзоладилар.

Имзолаш маросимида Совет Иттифоқи билан Югославия Социалистик Федератив Республикасининг партия ва давлат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Совет-Югославия қўшма ахбороти имзоланиши муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежнев музокараларнинг Югославия томонидан иштирокчиларига мурожаат қилиб, бундай деди:

### *Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи*

Азиз дўстлар!

Бугун биз муҳим бир ҳужжатни имзолаяпмиз. Орадан бир неча дақиқа ўтгач хайр—хўшлашамиз. Сизлар билан хайрлашаётиб, бир неча оғиз сўз айтишга рухсат этгайсиз.

Даставвал айтишим лозимки, мени ва ўртоқларимни қизғин, ҳақиқатда қардошларча қабул қилиб олганлигингиз учун сизларга ташаккур. Биз бундан астойдил тўлқинландик.

Биз ғоятда сермазмун ва очиқ музокаралар олиб бордик. Бизда ҳар иккала томон мамлакатларимиз, халқларимиз, партияларимиз ўртасидаги ҳамда мамлакатларимиз ва партияларимиз раҳбарлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш истагида бўлганлиги шу музокараларнинг асосий ўзаги бўлди, деган чуқур таассурот қолди.

Бу дўстлик нимани билдиради? Бу дўстлик биздаги ибора билан айтганда, партияларимиз тинчлик учун, социализмнинг тантанаси тўғрисида Маркс—Ленин ғояларини амалга ошириш учун олиб бораётган тарихий курашда доимо бир-биримизнинг мададимизни сезиб туришимизни билдиради.

Унутилмас уруш йилларидан бери ёдимизда қолганидек, бу ҳис-туйғулар — буюк кучдир.

Ҳозирги яхши ҳужжат оқибатида қилинадиган ишлар унда ёзиб қўйилганидан анча катта бўлади, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Сизнинг ажойиб мамлакатингизда социализм қуриш ишида сизларга сидқидилдан янги-янги катта муваффақиятлар тилаймиз.

Бизга кўрсатган унутилмас меҳмондўстлигингиз учун яна бир бор сидқидилдан кўп раҳмат.

Ўртоқ И. Броз Тито жавоб нутқида бундай деди:

### *Ўртоқ И. БРОЗ ТИТО нутқи*

Ҳайрлашиш чоғида Сизга бир неча сўз айтишимга рухсат бергайсиз.

Аввало, шу нарсани айтишни истардимки, мен ва менинг дўстларим бу учрашувни кўпдан буён кўтардик. Биз Киевда учрашганимиздан буён орадан уч йил вақт ўтди. Шу учрашувдан кейин халқаро ҳаётда ҳам, шунингдек икки томонлама муносабатларимизда ҳам кўп нарса ўзгарди.

Мен кутганимдек, бизнинг музокараларимиз очиқ ва самимий руҳда ўтди. Биз эришган ютуқларимиз тўғрисида, нималарни тузатиш кераклиги ва нималарни кун тартибидан олиб ташлаш зарурлиги ҳақида ҳамда муносабатларимизни бундан буён қай йўсинда ривожлантириш лозимлиги ҳақида бир-биримизга ўртоқларча гапириб бердик.

Музокараларимиз ғоят муваффақиятли ўтди, деб ўйлайман. Бу музокаралар муносабатларимизни янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Бу эса шу хусусда ҳар қандай бўлмағур уйдирмаларни тўқиганларга ҳам жавобдир.

Сизнинг визитингиз шундай қисқа бўлиб, мамлакатимиз билан яхшироқ таниша олмаганингиздан афсусланамиз. Сизнинг сўнгги визитингиздан кейин ўтган давр ичида мамлакатимизда кўпгина ўзгаришлар бўлди. Мамлакатимиз йилдан-йилга тобора жадал ривожланмоқда. Сиз мамлакатимизда кўпроқ бўлганингизда халқимиз қандай яшаётганлигини, улар халқингизга қандай муносабатда бўлаётганлигини кўрган бўлар эдингиз. Дарвоқе, Сиз буни гарчи иш куни бўлса ҳам, кеча кўчаларда кўра олдингиз. Кишиларимиз Сизни, ўртоқ Брежнев, Сизнинг сиймонгизда эса совет халқини ҳам табриклаганликларини кўрдингиз.

Аминманки, биз рўёбга чиқарадиган нарсалар ушбу ҳужжатда ёзилганидан ҳам зиёда бўлади.

Делегациямиз составида бўлган ўртоқлар номидан ва ўз номимдан айта оламанки, биз ҳаммамиз визитингиздан ва музокаралардан мамнунмиз.

Визитингиз учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Совет Иттифоқига боришга таклиф қилганлигингиз учун ташаккур изҳор этаман ва бу визит кўп кутиб қолинмайди, деб ишонаман.

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЮГОСЛАВИЯДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг Раиси ўртоқ И. Броз Тито таклифига биноан Югославияда дўстона визит билан меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 17 ноябрь куни Белграддан Ватанига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ТАССнинг Бош директори Л. М. Замятин ўртоқлар Л. И. Брежнев билан бирга Белграддан жўнаб кетдилар.

Югославия Социалистик Федератив Республикасида қабул қилинган қоидага биноан Оқ сарой олдида ўртоқ Л. И. Брежневни кузатиб қолиш расмий маросими бўлиб ўтди. СССР ва ЮСФР давлат гимнлари ижро этилди, 21 марта фахрий салют залпи янгради. Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито ўртоқлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито ўртоқларга пионерлар гулдасталар тақдим этишди.

Ўртоқ И. Броз Тито, ЮСФР Президиумининг аъзоси, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Э. Кардель, ЮСФР Президиуми Раисининг ўринбосари, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси В. Жаркович, ЮСФР скупшчинасининг Раиси, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси К. Глигоров, Иттифоқ Ижроия вечесининг раиси, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Ж. Биедич, Югославия меҳнаткаш халқ социалистик союзи Иттифоқ конференциясининг раиси, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Д. Петрович, Югославия касаба союзлари иттифоқ кенгашининг раиси, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси М. Шпиляк, Сербия Социалистик Республикаси Президиумининг Раиси Д. Маркович, Сербия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг Раиси, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Т. Влашкалич, ЮКС Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг секретарлари Ю. Билич, А. Грличков ва В. Срзентич, ЮКС Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг аъзоси Д. Видич, Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар Иттифоқ секретари, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси М. Минич, Халқ мудофааси иттифоқ секретари, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, армия генерали Н. Любичич, Сербия Социалистик Республикаси скупшчинасининг Раиси Ж. Василевич ҳамда Югославиянинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари ўртоқ Л. И. Брежнев билан самимий хайрлашдилар.

Белграднинг фахрий эскорт ҳамроҳлигида автомашиналар кортежи ўтган кўчалари ва майдонларида белградликлардан ўн минглаб кишилар Леонид Ильични самимий табриклаб турдилар.

СССР ва ЮСФР давлат байроқлари билан безатилган аэродромда ўртоқ Л. И. Брежневни Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиуми ижроия комитетининг секретари С. Доланц, Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг СССРдаги элчиси Й. Смоле, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Югославия Социалистик Федератив Республикасидаги элчиси В. И. Степаков кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

## ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 17 ноябрь куни Белграддан Москвага қайтиб келди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ЮСФР президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг Раиси ўртоқ Иосип Броз Тито таклифига биноан дўстлик визити билан Югославияда меҳмон бўлиб турди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Н. Родионов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ТАСС Бош директори Л. М. Замятин ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Москвага қайтиб келдилар.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, Н. А. Щелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси Ю. М. Чурбанов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалев, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ЮСФРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили И. Жукич, ЮСФРнинг СССРдаги элчихонаси дипломатия ходимлари бор эди.

(ТАСС).

## НЕПАЛ КОРОЛИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Непал короли Бирендра Бир Бикрам шах Дева 17 ноябрь куни эрталаб Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. У СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқига келди.

Малика Шарада Ражья Лакшми Деви шах, Ташқи ишлар министри Кришна Раж Арьял, непаллик бошқа меҳмонлар, шунингдек СССРнинг Непалдаги элчиси К. Б. Удумян, Непалнинг СССРдаги элчиси Жагдиш Шамшер Жанг Бахадур Рана король билан жўнаб кетди.

Непал, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Непал королини ва унинг ҳамроҳларини СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, республика министрлари кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

## РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Непал короли Бирендра Бир Бикрам шах Дева СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан 17 ноябрь куни расмий визит билан Москвага келди.

Непал ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган аэродромда олий мартабали меҳмонни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР Маданият министри П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмонларни меҳнаткашларнинг намояндалари табрикладилар.

Фахрий қоровул бошлиғи Бирендра Бир Бикрам шаҳ Девага рапорт берди.

Непал ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди.

Н. В. Подгорний билан Бирендра Бир Бикрам шах Дева фахрий қоровул сафи олдидан ўтишди.

Меҳмон автомобилга тушиб мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўзи учун ажратилган резиденция томон йўл олди. Москванинг меҳмонлар ўтган кўчалари ҳамда майдонлари Непал ва СССРнинг давлат байроқлари билан, табрик сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган эди.

(ТАСС).

*ТОШКЕНТ—ИВАНОВО*

## МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

[Тошкент ва Иваново областлари халқ хўжалиги айрим тармоқларининг 1976 йил январь-октябрдаги иш якунлари].

| | Тошкент | Иваново |
|---|---|---|
| **САНОАТ** | | |
| Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, процент ҳисобида | 105,09 | 102,1 |
| Реализация планининг бажарилиши, процент ҳисобида | 103,3 | 100,9 |
| Планга қўшимча реализация қилингани — миллион сўмлик | 126,2 | 39,6 |
| Реализация планини бажармаган корхоналар сони | 17 | 52 |
| Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йил шу давридагига нисбатан ўзгариши | 101,0 | 100,4 |
| Меҳнат унумдорлигини ошириш планининг бажарилиши — процент ҳисобида | 104,8 | 101,8 |
| Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар сони | 59 | 86 |
| Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти | 96,7 | 97,8 |
| Газлам ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти | 99,4 | 96,8 |
| **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | | |
| Асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планининг бажарилиши. Барча категориядаги хўжаликлардан планга қўшимча харид қилингани ҳам шу ҳисобга киради | | |
| қорамол ва парранда | 101,8 | 76 |
| сут | 100,3 | 90 |
| тухум | 81,7 | 87 |
| 1976 йил январь-октябрида колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари реализация қилиш ва тирик вазнда гўштга топширилган асосий қорамол ва парранда турлари — минг тонна | 27,4 | 33,6 |
| 1976 йилнинг январь-октябрида 1975 йилнинг январь-октябрига нисбатан | 109,3 | 84 |
| Ялпи сут соғиб олиш — минг тонна | 106,3 | 256,9 |
| 1976 йилнинг январь-октябрида 1975 йилнинг январь-октябрига нисбатан | 107,8 | 93 |
| Товуқ тухуми тайёрлаш — миллион дона | 144,9 | 205,5 |
| 1976 йилнинг январь-октябрида 1975 йилнинг январь-октябрига нисбатан | 102,6 | 102 |
| Ҳар бош қорамолдан ўртача сут соғиб олиш—килограмм | 2597 | 1751 |
| 1976 йилнинг январь-октябрида 1975 йилнинг январь-октябрига нисбатан | 105,1 | 88 |
| Товуқнинг ўртача тухумдорлиги | 146 | 197 |
| 1976 йилнинг январь-октябрида 1975 йилнинг январь-октябрига нисбатан | 104,3 | 92 |
| **ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА АМАЛГА ОШИРИЛГАН КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ** | | |
| Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиш проценти | 89 | 85 |
| Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши | 90 | 85 |
| Турар-жойга сарфланган капитал маблағ планининг бажарилиши | 87 | 96 |
| **САВДО** | | |
| Давлат ва кооператив савдоси товар обороти планининг бажарилиш проценти. Умумий овқатланиш ҳам шу ҳисобга киради | 101,3 | 101,7 |
| Чакана тармоқ товар обороти | 101,2 | 101,6 |
| Умумий овқатланиш товар обороти | 102,1 | 102,4 |
| **МАИШИЙ ХИЗМАТ** | | |
| Маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг бажарилиш проценти | 101,5 | 100,6 |

## Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти Югославия Коммунистлар союзининг раиси ўртоқ Иосип Броз Титога

Меҳмондўст Югославия территориясидан жўнаб кетаётиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет халқига нисбатан самимий дўстлик ҳис-туйғулари учун, мен ва ўртоқларим ЮСФРда бўлган чоғимизда биз ҳамиша сезиб турган самимият, сидқидиллик ва шодиёналик учун Сиз, ўртоқ Титога, Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетига, мамлакатингизнинг қардош халқларига яна бир карра чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Сиз билан олиб борган музокараларимизнинг якунларига юксак баҳо бераман. Бу музокаралар ҳар икки томон мамлакатларимиз халқларининг манфаатлари йўлида, социализм ва тинчлик манфаатлари йўлида Совет-Югославия дўстона муносабатларини бундан буён ҳам изчиллик билан ривожлантира беришга маҳкам бел боғлаганликларини яна бир бор намойиш қилди.

Партияларимиз ва мамлакатларимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги, Совет Иттифоқи билан Югославия халқларининг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланиб, кенгаяверсин!

Л. БРЕЖНЕВ.

